


## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январ-июнда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 3221,3 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилиб, шундан хорижий инвестициялар 133,5 млрд. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2018 йилнинг январь-июнь ойларида 1122,9 минг сўмни ташкил этди.

**2018 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори**




Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Олмалиқ шаҳар 4127,5 минг сўм, Чирчиқ шаҳар 2789,5 минг сўм, Бекобод шаҳар 1905,7 минг сўм, Ангрен шаҳар 1870,2 минг сўм ва Зангиота туманида 1630,6 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3221,3</b>	<b>147,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>674,6</b>	<b>212,6</b>	<b>20,9</b>
бюджет маблағлари	88,0	72,6	2,7
давлат мақсадли фонд маблағлари	123,7	502,3	3,8
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	298,5	1656,4	9,3
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	164,4	107,4	5,1
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2546,7</b>	<b>137,0</b>	<b>79,1</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1082,4	121,7	33,6
аҳоли маблағлари	308,2	95,8	9,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	173,4	91,6	5,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	982,7	220,6	30,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2018 йил январь-июнь ойларида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 1082,4 млрд.сўмлик яқунга нисбатан 33,6 % ни ташкил қилди.

## 2018 йил январь-июн ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



## 2018 йил январь-июнда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби



	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3221,3</b>	<b>282,6</b>	<b>2938,7</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	42,0	75,1	38,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	54,4	16,5	58,0
Бошқа харажатлар	3,6	8,4	3,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2018 йил январь-июн ойларида машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари бўйича улуши 54,4% ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

## Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

*2017 йил январь-июнь*

*2018 йил январь-июнь*



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқариш саноати
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессional, илмий ва техник фаолият
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

*(млрд.сўм)*

	<i>Январь–июнь</i>			
	<i>2017 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	<i>2018 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>
<b>Жами</b>	<b>1530,2</b>	<b>100,0</b>	<b>3221,3</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	124,0	8,1	297,4	9,2
тоғ–кон саноати	103,8	6,8	439,9	13,7
ишлаб чиқариш саноати	502,4	32,8	1091,9	33,9
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	17,1	1,1	53,3	1,7
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	7,5	0,5	18,5	0,6
қурилиш	54,4	3,6	68,0	2,1
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	72,6	4,7	99,1	3,1
ташиш ва сақлаш	157,4	10,3	77,8	2,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10,3	0,7	58,5	1,8
ахборот ва алоқа	35,5	2,3	35,8	1,1
молиявий ва суғурта фаолияти	6,3	0,4	21,2	0,7
профессионал, илмий ва техник фаолият	57,1	3,7	23,4	0,7
таълим	13,5	0,9	52,6	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	8,1	0,5	72,7	2,3
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	300,0	19,6	632,3	19,6
санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	7,1	0,5	29,4	0,9
бошқа фаолият турлари	53,2	3,5	149,6	4,6

Иктисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 1091,9 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 33,9%), шундан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 242,6 млрд.сўм (7,5%), резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқаришда 214,4 млрд.сўм (6,7%), бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришда 123,5 млрд.сўм (3,8%), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 116,6 млрд. сўм (3,6%), металлургия саноатида 113,4 млрд.сўм (3,5%) инвестициялар ўзлаштирилди. Уй-жой қурилишида 632,3 млрд.сўм (19,6%), тоғ-кон саноатида 439,9 млрд.сўм (13,7%), шундан металл рудаларини қазиб олишда 408,4 млрд.сўм (12,7%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 297,4 млрд.сўм (9,2%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситаларини таъмирлашда 99,1 млрд.сўм (3,1%), ташиш ва сақлашда 77,8 млрд.сўм (2,4%) ва бошқа фаолият турлари бўйича 149,6 млрд.сўм (4,6%) инвестициялар ўзлаштирилди.

### **Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши**

2018 йил январь-июнь ойларида умумий майдони 434,8 минг кв.м бўлган 4053 та шундан қишлоқ жойларида 363,6 минг кв.м 3626 та уй-жой фойдаланишга топширилди, инвестициялар ҳажмидан 632,2 млрд.сўми ёки 19,6% турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.


**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-июнда 920,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 % ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,1% бинолар ва иншоотларни, 10,3% фуқаролик қурилиши объектларини ва 13,6% ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 883,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,9 % (2017 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 106,4 %) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан  
бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)


*2017 й январь-июнь*



*2018 й январь-июнь*



**Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати**  
(2017 йилнинг январь-июнига нисбатан, фоизда)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Олмалик шаҳарда 253,2%, ва Ангрен шаҳарда 123,5%, Чирчиқ шаҳарда 119,7% кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Қибрай туманида 55,8% ва Янгийўл шаҳарда 57,0% паст ўсиш суръатлари кузатилди.